



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

20 21-yil 15 - февраль

20 – Қ -son

Samarqand sh.

Уй-жой майдонининг ижтимоий нормасини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 42-моддасига мувофиқ,
уй-жой майдонининг ижтимоий нормасини белгилаш мақсадида,

ҚАРОП ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоятида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан фуқароларга бериладиган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов) муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан фуқароларга бериладиган уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормасига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати-матбуот котиби (М.Мирзаев) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Вилоят ҳокимининг
2021 йил “15” февралдаги
20-7 -сонли қарорига
илова

**Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал
уй-жой фондидан фуқароларга уй-жой
майдонининг белгиланган ижтимоий
НОРМАСИ**

Уй-жой нормаси	Бир кишига (минимал ҳажмда)
Одатий ҳолларда	16 м ²
Кресло-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлар учун	23 м ²

Изоҳ: Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 42-моддасига мувофиқ Фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча қўшимча уй-жой майдони бир хона тарзида ёки ўн саккиз квадрат метрли умумий майдон миқдоридан берилди. Айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган фуқароларга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган рўйхат бўйича, шунингдек бажараётган иш шароитлари ва хусусиятига кўра қўшимча майдон зарур бўлган фуқароларга бундай майдон миқдори кўпайтирилиши мумкин.

**Ижрочи: Вилоят ҳокимининг
ўринбосари котибияти
1-тоифали мутахассиси**

Ф.Мусурманов